

Тиш пастаси ёки мисвок

19:36 / 26.04.2016 4214

САВОЛ: Бир киши тиш пастаси билан тишимни ювиб бўлиб, кейин мисвокни ишлатсам, бу исроф, сен исроф қилдинг, яъни тишингни ювгани кифоя қиладиган мисвок туриб, тиш пастасини ҳам ишлатдинг, деди. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Бу каби гапларнинг ҳар бири ўз эгаси учун тўғри. Аммо уни гап қилиб кўтариб юриш, одамларнинг вақтини олиб масала қилиб сўраш нотўғри. Ундан кўра бу дунё ва охирагга фойдаси бор гапларни муҳокама қилинглари. Ҳажмини ўлчаш қийин даражага етиб кетган исрофларга қарши курашинглари. Энг муҳимларидан бири бу каби арзимас гап ва саволлар билан ўзингиз ва ўзгаларнинг тиллодан қиммат вақтини исроф қилманглари. Валлоҳу аълам.